

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ТАРБИЯ ИШЛАРИ МАРКАЗИ
АҲБОРОТ ГУРУҲИ

**2006 йил – Хомийлар ва шифокорлар йили, февраль ойи тилимиз
ва динимиз ҳимоячилари, санъат, маданият ва тиббиёт аҳлининг
буюк хомийлари, улуг бобокалонларимиз - Низомиддин мир
Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд
топган қутлуғ ойдир.**

АЛИШЕР НАВОИЙ (1441 - 1501)
ЖАҲОНГА ТАНИЛГАН
ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ

**2006 йил – Хомийлар ва шифокорлар йили, февраль оyi тилимиз
ва динимиз ҳимоячилари, санъат, маданият ва тиббиёт аҳлининг
буюк хомийлари, улуг бобокалонларимиз - Низомиддин мир
Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд
топган қутлуғ ойдир.**

**АЛИШЕР НАВОИЙ (1441 - 1501)
ЖАҲОНГА ТАНИЛГАН
ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ**

Алишер Навоийнинг кичик замондоши, шогирдларидан бири тарихчи олим Хондамир ўзининг «Мақорим ул-ахлоқ» асарида шундай деб ёзган эди: «Хитой ва Хўтан мамлакатларининг чегаралари бошлаб то Рум ва Мағрибзамин мамлакатларининг охиригача шоҳ ва гадо, ёш ва қари, мусулмон ва ғайридин, яхши ва ёмон оғзидан ул ҳазратнинг гўзал назмлари машҳур ва бутун халқ оммаси ва айрим табакаларнинг кўнгил саҳифаларида ва қалб лавҳаларида муборак шеърлари нақшлангандир»

Навоий шеърятининг бундан беш аср илгариёқ жаҳонни забт этганлигидан гувоҳлик берувчи бу ҳаққоний сўзларнинг қадри ҳозир ҳам заррача камайган эмас.

Улуғ шоир дилида ардоқланган эзгу ақидалар, адолат ва ижтимоий фаровонлик, инсоний бахт ҳақидаги орзулар, санъаткор тафаккурининг қудрати, билими, руҳий-маънавий олами, шалола каби тошқин туйғулари бу беш дostonда ёрқин тараннум этилган. Унда қадим Шарқнинг кўп асрлик бадиий-эстетик тажрибалари, адабий анъаналари, ҳикмат ва заковати акс этган. Қомусий мазмун касб этган «Хамса» айна пайтда сўз санъатининг бебаҳо хазинасидир.



Жаҳонни ҳайратда қолдирган ўткир нигоҳ, нозик таъб, бемисл истеъдод нурлари бу асарда бутун борлиғи билан жиловланган.

Академик Абдуқодир Ҳайтметов «Хамса»нинг яратилиш тарихи ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: «1483 йили улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодида буюк бурилиш юз берди. Шу вақтга қадар лирик шеърлар, хусусан ғазал ёзиб ном чиқарган, девонлар тузган шоир дostonчиликка юз ўгирди. Шоир ўз қалбидаги улуғ ғоя ва ҳис-туйғуларини атрофлича кенг ва чуқур ифодалашга лирик жанр торлик қилаётганини эътироф этишга мажбур бўлди:

**Ғаразқим, чу назм ўлди тухмат манга,
Ёйилди жаҳон ичра шуҳрат манга...
Вале қонё ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.**

Буюк санъаткорнинг бу пайтдаги ижодий режаларини амалга ошириш учун энг қулай жанр «Хамса» эди. Шунинг учун Навоий яна бир бор бу соҳада ундан аввал қалам тебратган улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141-1206), унинг ҳиндистонлик издоши Амир Хусрав Дехлавий (1253-1325) «Хамса»ларини қайта ўқишга, мутолаа қилишга, уларнинг энг яхши ижодий тажрибалари асосида ўз «Хамса»сини яратишга киришди.

Бу вақтда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатининг вазири, мамлакатни бошқариш, асосан, унинг зиммаеида эди. Шунинг учун Навоий бу даврда **«Йўк эди бош қашигали фурсатим»** деб, ижодий ишга фурсати камлигидан шикоят қилиб, ижод билан асосан кечалари, уйқу ҳисобига шуғуланганини (**«Ки айлаб ярим тунлар уйқу ҳаром»**) хабар қилар экан, буни ўз маъносида тўғри тушуниш керак.

Лекин шунга қарамай иш ниҳоятда тез борди. 1485 йил. «Хамса» ёзиб тугалланди. Бу туркий тилдаги биринчи «Хамса» эди. Уни ёзишга ҳаммаси бўлиб икки йил сарфланган. Навоий бу улуғ асарнинг икки йил ичида ёзилганини таъкидлаб, агар бошқа ишлар ҳалақит бермаганида уни 6 ойда ёзиши ҳам мумкинлигига, аслида ҳам бу беш дostonни ёзишга кетган муддат«йиғиштирса» 6 ойдан ошмаслигига ишора қилади:

**Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтиб икки йил,
Чекиб хома бу нома итмомиға;
Етургайсен оғозин анжомиға,
Ки аҳли муҳосиб шитоб айласа,**

**Дейилган замонин ҳисоб айласа,
Йиғиштира бўлмас бори олти ой...**

Бу - инсон ақл-заковати ва талантининг буюк тантанаси, мислсиз ютуқларидан бири эди. Бу хил воқеа жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам содир бўлган».

Навоий «Хамса»си беш дoston - «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»дан иборат бўлиб, 25620 байтга яқин шеърдан ташкил топган.

Навоий «Хамса»сининг халқимиз тарихидаги энг катта фазилатларидан яна бири унинг ўзбек тилида ёзилганидир. Бу асари билан Навоий ўзбек тилида ҳам буюк асарлар ёзиш мумкин эканини ўз тажрибасида кўрсатиб, бу тил тараққиётига мислсиз янги ҳисса қўшди. Бу томони билан Навоий «Хамса»си барча туркий халқлар адабиётининг кейинги ривожига ҳам муҳим роль ўйнади.

Алишер Навоий «Хамса» дostonларини кўзда тутиб:

**Шухратин олам ичра пайдо қил,
Олам аҳлин аларга шайдо қил!** -деган эди.

Чиндан ҳам «Хамса» ёзилиши биланок Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шухрат топиб, уни ўша замонлардан бошлаб ҳар бир халқ, ҳар бир авлод севиб ўқий бошлади.

«Хамса» фақат Навоий ижодининг эмас, бутун ўзбек адабиётининг энг юксак чўққиси бўлиб, ҳамма авлодлар учун табаррук, адабий барҳаёт шеърӣ ёдгорликдир.

Жаҳон халқлари Алишер Навоийнинг қўлёзма китоблари билан у ҳаёт чоғларида танишган эдилар. 1557 йили эса Венецияда Христофор Табризийнинг «Сарандип шоҳнинг уч навқирон ўғиллари зиёрати» асари итальян тилида босилиб чиқди. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, асарнинг иккинчи қисми Навоийнинг «Сабъаи сайёр» дostonи сюжетида фойдаланиб яратилган экан. Табризийнинг асари итальян, француз, немис, инглиз, голланд тилларида XVI асрда ҳам тўрт марта, XVII асрда ҳам тўрт марта, XVIII асрда уч марта, ҳуллас, 1828 йилгача ҳаммаси бўлиб ўн беш марта нашр этилган. Бинобарин, Алишер Навоий ижодидан ўрта асрлардаёқ жаҳондаги турли мамлакатлар халқлари баҳра топганлар...

Гениал шоирнинг шоҳ асарлари, қутлуғ номи йиллар ва асрлар ўтгани сайин ҳаққоний сўз мухлисларнинг дилидан тобора чуқурроқ ўрин олиб келаётир.

Эргаш Дадахўжаев